

Мудофаа соҳасида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг ташкилий-хуқуқий асослари

Джалилов А.М.

Жадаллик билан ривожланиб бораётган технологик тараққиёт ва хавфсизликка таҳдидларнинг тез ўзгарувчан даврида мудофаа соҳасида ахборотни ишончли таҳлил қилишнинг муҳимлилик даражаси янада ортиб бормоқда.

Хусусан, катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш мудофаа ва хавфсизлик соҳасида қарор қабул қилувчилар учун пайдо бўладиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш учун жуда муҳимдир.

Бироқ, самарали ахборот-таҳлилий фаолиятга эришиш аниқ хуқуқий асослар билан мустаҳкамланган кучли ташкилий пойдеворни талаб қиласди.

Шу билан бир қаторда, Мудофаа соҳасида самарали ахборот-таҳлилий фаолиятни таъминлашда ташкилий-хуқуқий жиҳатларнинг аниқ белгилаб кўйилганлиги ва уларга риоя этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкилий-хуқуқий асосга ахборот-таҳлилий фаолиятни тартиба соловчи қонунлар, қарорлар, низомлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шу билан бирга хорижий давлатлардаги мудофаа органлари таркибига киравчи ёки алоҳида фаолият юритувчи турли хил тузилмалар ёхуд уларга кўмаклашувчи ташкилотлар киради.

Бунга эса аниқ мақсад билан ташкил қилинган ахборот-таҳлилий фаолият билан шуғулланувчи таркибий тузилмалар томонидан маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш қоидаларини, шунингдек, белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарлик каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатлар Мудофаа соҳасида технология ва глобал сиёсий вазиятдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда

ахборот-таҳлилий фаолиятни доимий равишда такомиллаштириб келмоқда. Бу янги кўринишдаги ихтисослаштирилган бўлинмаларни яратиш, методология ва стандартларни ишлаб чиқиши ўз ичига олади.

Ундан ташқари, турли даражадаги қўмондонлик ва ахборот-таҳлилий бўлинмалар мутахассислари ўртасидаги ахборот алмашинуви муҳим ҳисобланади. Самарали муроҷот ахборотни ўз вақтида баҳолаш ва тажриба алмашишни таъминлайди.

Қолаверса, самарали ахборот-таҳлилий фаолият малакали мутахассислар, замонавий техник воситалар ҳамда долзарб маълумотлар манбаларидан фойдаланишини талаб қиласди.

Эътиборлиси шундаки, ихтисослашган таҳлил марказлари, бўлинмалар ва таҳлилчилар групхлари каби ташкилий тузилмалар мудофаа ташкилотини ахборот билан таъминлашда асосий рол ўйнайди.

Шу билан бирга, ташкилий ва ҳуқукий асослар маҳфий маълумотларни ҳимоя қилиш, маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш ва маълумотларни қайта ишлаш хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласди¹.

Бундан ташқари, институционал механизмлар турли таҳлилий бўлинмалар ва мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайди. Бу эса маълумот алмашиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда умумий мақсадларга эришиш имконини беради.

Мудофаа соҳасидаги АТФни ташкилий ва ҳуқукий асосларини яратган ҳамда амалда фойдаланаётган давлатларнинг қуйидаги тажрибалари ўзига хосдир:

Кўшма Штатлардаги Марказий разведка бошқармаси ёки Буюк Британиядаги МИ6 агентлигининг АТФ билан шуғулланувчи бўлинмалари миллий хавфсизлик учун муҳим бўлган кунлик маълумотларни тўплаш мақсадида ўз фаолиятини йўлга кўйган.

¹ Тогузаева Е.Н., Нормативные основы регулирования информационной сферы: правовой обзор, 2020. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/normativnye-osnovy-regulirovaniya-informatsionnoy-sfery-pravovoy-obzor/viewer>

АТФ билан шуғулланувчи бўлинмаларнинг асосий таркибий қисмлари қуидагилардан иборат бўлади:

Мудофаа соҳасида АТФга жалб қилинган бўлинмалар - қуролли кучлар таркибидаги махсус бўлинмалар ҳарбий талабларга мослаштирилган АТФни ташкил қилиш учун жавобгардир. Ушбу бўлинмалар ҳарбий режалаштириш ва амалиётларни қўллаб-қувватлаш учун мониторинг ҳамда кузатувни ўз ичига олган кенг кўламли маълумотларни тўплаш усулларидан фойдаланади.

Қўшма марказларнинг АТФ олиб борувчи бўлимлари - кўпгина мамлакатларда бундай марказлар қўшма ҳарбий операцияларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилади. Ушбу марказларда АТФ билан шуғулланувчи бўлимлар ёрдамида бир нечта манбалардан олинган маълумотлар бирлаштирилган ва таҳлил қилинган ҳолда юқори турувчи ташкилотларга тақдим қилинади. Ушбу марказлар идоралараро мувофиқлаштиришни осонлаштиради ҳамда хавфсизликка таҳдидларни ҳар томонлама ўрганиб чиқишни таъминлайди.

Жамоатчилик назорати – АТФда ҳисобдорлик ва шаффоффликни таъминлаш учун самарали назорат механизmlари муҳим аҳамиятга эга. Парламент қўмиталари ёки мустақил назорат кенгашлари каби фуқаролик назорати органлари фуқаролар эркинликлари ва инсон хуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда АТФ текширишни таъминлайди.

Қонунчилик асослари - норматив қонунлар АТФнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайди, рухсат этилган ҳаракатлар доирасини, назорат механизmlарини ва жавобгарлик чораларини белгилайди. АТФни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари кўпинча кузатув фаолиятига рухсат бериш ва назорат қилиш қоидаларини, шунингдек, суиистеъмолликка қарши кафолатларни ўз ичига олади.

Халқаро хуқуқ - АТФда халқаро хуқуқка, жумладан, инсон хуқуqlари бўйича конвенция ҳамда шартномаларга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Давлатлар ички ва халқаро миқёсда АТФда қонунийлик, зарурат,

мутаносиблик, жавобгарлик каби тамойилларига амал қилишлари керак бўлади.

Шу билан бирга, Мудофаа соҳасида АТФнинг ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш имкониятлари қаторига қуидагиларни келтиришимиз мумкин:

Идораларо ҳамкорлик – Мудофаа соҳасида АТФга жалб қилинган бўлинмалар ўртасида ҳамкорлик ва ахборот алмашишни кучайтириш орқали операциялар самарадорлигини ошириш ҳамда вазиятдан хабардорлик даражасини юксалтириши мумкин.

ШХТ, БРИКС, КХШТ ва МДҲ каби кўплаб халқаро ташкилотлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшма ҳамкорликлари. Бунга тажриба алмашиш, стандартларни ишлаб чиқиш ва таҳдидларнинг олдини олиш бўйича биргаликдаги чора-тадбирлар киради².

Замонавий технологияга сармоя киритиш - сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлили каби илғор технологияларга доимий сармоя киритиш ахборотни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш имкониятларини ошириши мумкин, бу эса ҳарбий-сиёсий вазиятни ўз вақтида ва аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва ўқитиш - таҳлилчилар учун маҳсус тренинглар, касбий ривожланиш имкониятларини яратиб бериш келгусида уларнинг таҳлилий кўникмалари ва шахсий тажрибасини ошишига, бундан ташқари, юқори сифатли ахборот-таҳлилий хужжатлар яратилишига хизмат қиласди.

Ўз навбатида, Мудофаа соҳасида ахборотни самарали таҳлил қилишининг марказий элементини - маълумотларини йиғиши, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда қўллаш билан шуғулланувчи ихтисослашган идоралар ва бўлинмалар ташкил этади. Улар мудофаа аппаратининг таянчи бўлиб хизмат қиласди ва турли даражаларда қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

² Дубень А.К., Международно-правовые основы информационной безопасности: итоги и новые вызовы // Международное право и международные организации, №1. 2023 г. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodno-pravovye-osnovy-informatsionnoy-bezopasnosti-itogi-i-novye-vyzovy/viewer>

Мудофаа соҳасидаги АТФни тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ҳар бир давлатда ўзига хосдир, умуман олганда, баъзи ўхшаш элементлари мавжуд бўлади. Мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолиятни тартибга солувчи қўйидаги хуқуқий асослар мавжуд:

1. Миллий хавфсизлик ёки мудофаа тўғрисидаги қонунлари;
2. Мудофаа ва хавфсизлик стратегиялари;
3. Мудофаа актлари
4. Маълумотларни ҳимоя қилиш ва маҳфийлик қонунлари;
5. Ҳарбий низомлар;
6. Парламент назорати;
7. Халқаро шартномалар;

1. Миллий хавфсизлик ёки мудофаа тўғрисидаги қонунлари - хорижий давлатларда кўпинча мудофаа билан боғлиқ фаолиятни, шу жумладан мудофаанинг таркибий қисми сифатида АТФни тартибга солувчи кенг қамровли миллий хавфсизлик қонунлари мавжуд. Бундай қонунларнинг энг биринчиси 1947 йилда қабул қилинган “Миллий хавфсизлик тўғрисида”ги қонундир. Ушбу қонун билан нафакат миллий хавфсизликка тахдидлар ва устувор йўналишлар, балки мамлакатдаги барча куч ишлатар тузилмалар ўртасида тезкор ахборот алмашиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш жараёни учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган³.

Бу қонунлар миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш асосларини белгилаб беради ҳамда маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қўллашнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайди. *Масалан: АҚШнинг “Патриот” қонуни ёки Буюк Британиянинг “Расмий сирлар” тўғрисидаги қонун шулар жумласидандир;*

2. Мудофаа ва хавфсизлик стратегиялари - аксарият мамлакатларда АТФдан фойдаланишни ўз ичига олган миллий хавфсизликка ёндашуви ни белгиловчи маҳсус мудофаа ва хавфсизлик стратегиялари ишлаб чиқилган.

³ <https://history.state.gov/milestones/1945-1952/national-security> (10.02.2024)

Ушбу стратегиялар мудофаа соҳасида кенг қамровли АТФни ўз ичига олади. *Масалан: Ҳиндистоннинг миллий разведка стратегияси;*

3. Мудофаа актлари – мудофаа органларини, жумладан, уларнинг ахборот-таҳлилий фаолиятини амалга оширувчи тузилмаларининг ҳаракатларини тартибга солувчи ҳужжат сифатида намоён бўлади. Ушбу ҳужжатлар одатда Мудофаа АТФ органларининг қонуний ваколатлари ва чекловларини белгилайди. *Масалан: Россия Федерациясининг Мудофаа вазирлиги таркибидаги Разведка бош бошқармаси тўғрисидаги қонун қабул қилинган;*

4. Маълумотларни ҳимоя қилиши ва маҳфийлик қонунлари - миллий мудофаа соҳасида шахсий маълумотларни тўплаш, ишлатиш ва сақлашни тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Ушбу қонунлар асосида тўпланиши мумкин бўлган маълумотлар, улардан ким фойдаланиши ва ундан қандай фойдаланиш мумкинлиги бўйича чекловлар белгиланади. *Масалан: Европа Иттифоқидаги умумий маълумотларни ҳимоя қилиши қоидалари*⁴;

5. Ҳарбий низомлар - Мудофаа соҳасида АТФни тартибга солувчи ички буйруқлар асосида низомлар қабул қилинади. Ушбу низомлар маълумот йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва қўллаш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади, шунингдек, таҳлилчиларнинг бошқа ҳукумат идоралари билан қандай алоқада бўлишини белгилайди. *Масалан, Ҳитойнинг Мудофаа вазирлиги директивалари ва йўриқномалари;*

6. Парламент назорати - Демократик мамлакатларда мудофаа фаолияти устидан парламент назорати бўйича хуқуқий асослар яратилган. Ушбу қоидалар АТФнинг қонун доирасида ва миллий хавфсизлик манбаатларини кўзлаб амалга оширилишини таъминлайди. *Масалан: Франциянинг разведка ва хавфсизлик қўмитаси ёки АҚШда Сенатнинг разведка бўйича танланган қўмитаси;*

⁴ https://europa.eu/youreurope/business/dealing-with-customers/data-protection/data-protection-gdpr/index_en.htm (05.01.2024)

7. *Халқаро шартномалар* - айрим давлатларда АТФ халқаро шартномалар билан тартибга солинади. Ушбу келишувлар кўпинча мамлакатлар ўртасида маълумотлар қандай тақсимланишини ва бундай алмашишнинг ҳукуқий асосларини белгилайди. *Масалан: Австралия, Канада, Янги Зеландия, Буюк Британия ва Қўшима Штатлар ўртасида разведка маълумотларини алмасишини ўз ичига олган “Беш кўз” келишуви;*

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг мудофаа соҳасидаги АТФни бошқа хавфсизлик ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари билан мувофиқлашган шаклда амалга оширишини кўришимиз мумкин. Бу жараён бир қатор давлатларда қуйидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.



АҚШ мудофаа соҳасидаги АТФни мувофиқлаштирувчи Миллий хавфсизлик агентлиги мавжуд. Миллий хавфсизлик агентлигининг асосий вазифаси глобал мониторинг олиб бориш, маълумотларни йиғишиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилувчи юқори раҳбариятга тақдим қилишдан иборат. Шунингдек, Миллий хавфсизлик мақсадларига эришиш учун бошқа идоралар, жумладан Марказий разведка бошқармаси ва Мудофаа вазирлиги билан яқиндан ҳамкорликни амалга оширади.



Буюк Британиянинг Ҳукумат Алоқаси Бош қароргоҳи АҚШдаги МХАнинг аналоги ҳисобланади. У мудофаа ва хавфсизлик ташкилоти бўлиб, ҳукумат ва қуролли кучларни ахборот билан таъминлаш учун масъулдир. Шу билан бирга, миллий хавфсизликни таъминлаш учун Хавфсизлик хизмати (MI5), Махфий разведка хизмати (MI6) ва Мудофаа разведкаси (MP) билан яқин ҳамкорлик қиласи.



Исроилда Аман номи билан танилган Исроил Мудофаа кучлари бошқармаси мавжуд. Аман Исроил ҳукумати ва ҳарбийлари учун маълумотларни тўплайди, таҳлил қиласи ҳамда тарқатади. Бу Моссад (ташқи разведка) ва Шин Бет (ички хавфсизлик) каби бошқа идоралар билан ҳамкорлиқда ишлайдиган Исроил разведка ҳамжамиятининг асосий элементларидан биридир.



Россия Мудофаа вазирлиги таркибидаги Бош разведка бошқармаси. РФ Қуролли Кучлари Бош штабининг Бош разведка бошқармаси (ГРУ) томонидан ҳарбий разведка амалга оширилади. Ушбу тузилмалар кенг қамровли мудофаа тўғрисидаги маълумотларини юқори раҳбариятга тақдим этиш учун яқиндан ҳамкорлик қиласи.



Хитой Давлат хавфсизлик вазирлиги. Ушбу ташкилот Хитойнинг миллий хавфсизлик манбаатларини ҳимоя қилиш учун бир нечта манбалардан маълумотларини тўплайди. У Халқ озодлик армиясининг стратегик қўллаб-куватлаш кучлари ва Миллий Мудофаа вазирлиги каби бошқа идоралари билан бирга ишлайди.



Франциянинг Ташқи Хавфсизлик Бош бошқармаси (ТХББ) Франция худудидан ташқаридаги разведка фаолияти учун жавобгардир. У разведка маълумотларини тўплайди ва таҳлил қиласи, яширин ҳаракатларни амалга оширади ҳамда чет элда Франция манбаатларини ҳимоя қиласи. ТХББ Франция ҳарбий разведка агентлиги ва ҳарбий разведка бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик қиласи.



Германия Федерал разведка хизмати (ФРХ) асосий хорижий разведка агентлигидир. У халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича маълумотларни тўплайди ва баҳолайди. ФРХ ички разведка учун масъул бўлган Конституцияни

химоя қилиш федерал идораси ҳамда ҳарбий разведка учун масъул бўлган Ҳарбий контрразведка хизмати билан яқин ҳамкорликни амалга оширади.



Австралиянинг асосий ташқи разведка агентлиги Австралия маҳфий разведка хизмати (AMPX) ҳисобланади. AMPX разведка маълумотларини инсон манбалари орқали тўплайди ва чет элда контрразведка фаолиятини амалга оширади. У Австралия сигналлар бошқармаси ҳамда Австралия хавфсизлик разведка ташкилоти билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради.



Япония Вазирлар Маҳкамасининг Разведка ва Тадқиқот Офиси мавжуд бўлиб, у Бош вазир, шунингдек, бошқа юқори ҳукумат амалдорларига ташқи разведка маълумотларини тақдим этиш учун масъулдир. Мудофаа вазирлигига мудофаа билан боғлиқ маълумотларни йиғиш ва таҳлил килишга қаратилган разведка бўлими ҳам мавжуд.



Хиндистон тадқиқот ва таҳлил қаноти (TTK) асосий хорижий разведка агентлигидир. TTK хорижий разведка маълумотларини йиғиш ва терроризмга қарши кураш учун жавобгардир. TTK Хиндистоннинг бошқа разведка идоралари, жумладан ички разведка билан шугулланувчи разведка бюроси ва Мудофаа разведка агентлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Мудофаа АФТ органлари асосий вазифа ва функциялари мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўлганлиги сабабли, доимий равища миллий хавфсизликни таъминловчи бошқа органлар таркибидаги ташкилий ҳамда таркибий тузилмалар билан доимий равища ҳамкорлик қилиб келади.

Шу сабабли унинг фаолиятини бошқа хавфсизлик органларидан айро кўриш мумкин эмас, шу нуқтайи назардан АТФни фаолиятига доир қабул қилинган қонун ва бошқа шаклдаги норматив ҳужжатлар тўғридан-тўғри соҳага тегишли бўлавермайди.

Таъкидлаш жоизки, мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги турли миллий ҳамда халқаро қонун хужжатлари АТФнинг бевосита ҳамда билвосита хуқуқий ва ташкилий асоси бўлиб хизмат қиласи.

Мудофаа соҳасидаги АТФнинг ташкилий тузилмаларни мустаҳкамлаш, қонунчилик асосларини такомиллаштириш ва истиқболда ривожлантириш имкониятларини ишга солиш орқали ҳар қандай замонавий таҳдидларга жавоб берга оладиган кучли мудофаа тизимини яратишга хизмат қиласи.